



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 18 сентябр, сешанба №148 (1162)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТЕННИС БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Ўтган ҳафтада Тошкентда ўтказилган «Президент кубоги» теннис турнири нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон теннис ихлосмандларига қизгин ва мурасисиз беллашувларни ҳаё этди. «Юнусобод» кортларида ўтган бу улкан спорт байрамнинг шуккухи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини камраб олди, десак хато бўлмайди. Чунки талай хорижий телекомпаниялар, бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари мазкур мусобақани ўзлуксиз ёритиб турди.

Муҳлислар бир ҳафта давомида «Ўзбекистон Республикаси Президент кубоги»ни қўлга киритиш учун бел боғлаган дунёнинг забардаст ракетка усталари бахсларига гувоҳ бўлди. Бу галги турнир ҳам аввалгилари сингари жуда катта қизиқиш уйғотди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, мусобақа нуфузининг баландлиги бўлса, иккинчидан, Тошкентга ташриф буюрган теннисчиларнинг машҳурлигидир. Мисол тариқасида «Президент кубоги»нинг асосий бахсларида қатнашган ўттиз икки теннисчидан ўн тўққизтаси яқиндагина бўлиб ўтган АҚШ очик биринчилигида ҳам иштирок этганини айтиш мумкин. Улардан икки нафари - россиялик забардаст спортчилар - Евгений Кафельников ва Марат Сафин АҚШда ўтган мусобақаларнинг ярим финалигача борганди.

Тошкентдаги турнир ҳам ана шу икки забардаст теннисчининг спорт шоусига айланди, десак хато бўлмайди. Бири биридан мурасисиз ўтган бахсларда М.Сафин, Н.Оқун, М.Россе, К.Плесс, С.Саргсянни мағлуб этган бўлса, Е.Кафельников Л.Бургсмиулер, С.Кубек, Р.Шутлер, Д.Хрбатыдан устун келди.

16 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Президент кубоги» халқаро теннис турнирининг финал қисмини то-

моша қилиш учун «Юнусобод» спорт саройига ташриф буюрди. Икки россиялик теннисчининг финалгача боришини кўпчилик мутахассислар ва муҳлислар кутганди. Чунки уларнинг АҚШ очик биринчилигидаги муваффақиятли иштироки шундай тахмин учун асос яратганди. Энди фақат финалда ким кучлилигини аниқлаш қолган эди, холос.

Ўйиннинг дастлабки гейм-лари деярли тенг курашлар остида ўтди. Бирок секин-аста М.Сафин ташаббусни ўз қўлига олди. Ўнг қўлидан олинган кичик жароҳат Е.Кафельниковнинг ўйинига салбий таъсир ўткази бошлади. Натijaда Марат биринчи сетда осонгина ғалабага эришди - 6:2.

Иккинчи сетда Е.Кафельников рақибига деярли кучли қаршилик кўрсата олгани йўқ. Бунга, албатта, М.Сафиннинг беҳато ва гўзал ўйин кўрсатгани ҳам сабаб бўлди. Ўйиндан кейинги матбуот анжуманида Маратнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, у шу кuni жуда ажойиб теннис намойиши этди. М.Сафиннинг тезлиги соатига 200 километрдан ошадиган тўп узатишлари, нафақат Е.Кафельников, балки ҳар қандай зўр теннисчи учун ҳам жиддий қийинчилик туғдириши маълум. Бундай тўп оширишни эса россиялик ёш теннисчи деярли ҳар бир геймда намойиш этди.

Е.Кафельников финалда бўш ўйин кўрсатди, дейиш қийин. Томошабинлар ўйин давомида унинг ажойиб зарбаларини тинмай олқийлаб тургани бунинг ис-



ботидир. Бирок шу кuni Женянинг жуда толиққани, тўп оширишдаги кўплаб хатолари беллашувни ўз фойдасига ҳал қилишига ҳалақит берди. У иккинчи сетни ҳам 2:6 ҳисобда бой берди. Учрашувнинг финал қисми ниҳоясига етгач, сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди. Турнирнинг ёпилиш маросими бошланишидан олдин мусобақанинг барча иштирокчилари ва муҳлислар яқинда АҚШда амалга оширилган мисли кўрилмаган террорчилик ҳаракати қурбонлари хотирасига бир дақиқа сукут сақлади.

Агар бир ҳафта давом этган спорт беллашувлари фақат мана шу ажойиб теннис саройида тўпланганлардагина эмас, - деди давлатимиз раҳбари, - балки ўз телевизорлари қаршида ўтириб, ўйинни томоша қилган миллионлаб катта теннис ихлосмандларига ҳам фахр ва кўлаб қувончи дақиқалар улашди, десам фикримга қўшилмасиз, деб ўйлайман. Аввало, мусобақаларнинг юксак руҳ ва муҳити, теннис кортларидаги қизиқарли ва мурасисиз бахсларнинг кескинлиги, турнир иштирокчиларининг жаҳон теннис расмий рейтингидagi ўрнини тасдиқловчи юқори маҳорати катта қониқиш билан таъкидлашни истардим.

Президент маҳорати, юксак савиядаги ўйини билан дунёга танилган катта теннис усталарининггина эмас, балки мусобақада қатнашган ёш спортчиларнинг ғалабага бўлган қайноқ иштиёқи ҳам томошабин ва муҳлисларда самимий ҳайрат туйғуларини жўш урдирганини қайд этди. Ислам Каримов ушбу ҳақиқий спорт байрамини тақдими этгани учун барча теннис ихлосмандлари ва спорт ишқибозлари номида мусобақанинг барча иштирокчиларига миннатдорлик ихлоси билан тўпни қўйди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари «Президент кубоги»ни муваффақиятли ўтказишдаги хизматлари учун турнир

ташкilotчиларига, мусобақани кенг ёритган журналистларга ҳам алоҳида миннатдорлик билдирди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мазкур турнирда иккинчи бор ғалаба қозongan Марат Сафинга мусобақанинг бош соврини - «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги»ни тантанали равишда топширди. Шунингдек, унга Ўзбекистон зарбоф тўн кийдирилди. Марат Сафин турнирнинг жуда муваффақиятли ўтганини таъкидлар экан, бу нуфузли мусобақани ўтказишга бош қўшган барча ташкilotчиларга самимий миннатдорлик билдирди.

Ислам Каримовни томошабинлар орасида кўриш ва Ўзбекистон Президенти ҳузурда теннис ўйнаш менга, айниқса, катта мамнуният бахш этади, - деди, жумладан, М.Сафин. Давлатимиз раҳбари «Президент кубоги»нинг финалчиси Евгений Кафельниковга ҳам мусобақанинг махсус совринини топшириб, зарбоф тўн кийдирди. Юртбошимиз Е.Кафельниковни Тошкент турнирининг энг садоқатли иштирокчиларидан бири, деб атади. Мен Президент Ислам Каримовга мазкур турнирнинг бош соврини қўлга киритишни ваъда берганман, - деди Е.Кафельников. - Бирок бу сафар ҳам омадим чопмади. Шундай бўлса, ҳали яхши ўйин кўрсатишга кучим етади. Шунинг учун «Президент кубоги»ни қўлга киритиш ниятидан қайтмайман. Фолибларни тақдирлаш маросими ниҳоясига етганидан сўнг, Ислам Каримов саккизинчи бор ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро теннис турнирини ёпик, деб эълон қилди.

Анвар КАРИМОВ, Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, УЗА муҳбирлари. А.ТўРАЕВ (УЗА) олган сурат.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИК Унинг асл башараси нималарда намён бўлмоқда?

Ишончим комилки, дея таъкидлаганди давлатимиз раҳбари, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналиш раётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва куроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин. Халқаро террорчилик бир давлат ёки бир неча давлат ҳудудида туриб бошқа давлатга ва унинг фуқароларига қарши уюштирилаётган жиноий ҳаракатларнинг моддий жиҳатдан қудратли, халқаро алоқаларга эга бўлган экстремистик ташкилотларнинг ёки айрим шахсларнинг кўпорувчилик фаолиятидир. Унинг асл башараси АҚШда кўп миңлаб беғуноқ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ғайриинсоний террористик акцияларда ҳам намён бўлди. Ўзбекистон халқи ёвузларнинг ваҳиёна қилмишини қатъиян қораламоқда.

Бу ёғур жаҳонда қандай ярамас, разил инсонлар бор-а, - дея ўз фикрини ифодалайди Тошкент туманилик меҳнат фахрийси Абдуазим Мавлонов. - Тинч яшаётган, ишлаётган одамларда не гуноҳ? Телевизордан АҚШдаги аянчли воқеаларни кузатарканман, қалбим ларзага келди. Барчамиз Америка халқи дардига шерикмиз. Қалб нидолари Нью-Йорк ва Вашингтонда рўй берган фожеали воқеаларга мамлакатимиз фуқароларининг муносабати «Ижтимоий фикр» маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган тезкор сўров натижаларида ҳам ўз ифодасини топган. Америкада содир этилган ёвузлик ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг қаҳр-ғазабини кўзга ташлади. Халқимиз республика раҳбарияти ҳамда Президент Ислам Каримовнинг халқаро террорчилик — XXI аср вабосига қарши курашда АҚШ ва бошқа мамлакатлар билан узвий ҳамкорлик бора-борасидаги ташаббуслари ва кураётган чора-тадбирларини қизгин қўлаб-қувватламоқда.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хиндистон давлат ташқи ишлар вазири Умар Абдулла Ўзбекистон ташқи сийбати маҳкамаси раҳбари А.Комилов билан учрашди.
ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ
Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ўтган йили Хиндистонга сафари чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий-сийсий ҳамкорлики янада ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинган эди. Умар Абдулланинг ташрифи ўша ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий жиҳатларини юзага чиқариш имкониятини янада кенгайтиради.
Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, минтақавий ҳамкорликни билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. (УЗА).

Касаба уюшмалари ёрдами билан
ИККИНЧИ ГУРУХ НОГИРОНЛИГИ БЕРИЛДИ...
Шовотдаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида яшовчи Бектурди Раҳимовни туман тиббий меҳнат экспертизаси шифокорлари бундан 4 йил олдин асосли равишда иккинчи гуруҳ ногирони деб топиб, унга гувоҳнома берган эдилар. Ўтган давр мобайнида Бектурдининг соғлигида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Лекин 2000 йил ноябр ойида уни қайта текширувдан ўтказиб, учинчи гуруҳ ногиронлигига чиқардилар. Бектурди «Соғлигим олдингисидан ёмонлашса ёмонлашмади», деб ҳар қанча тушунтирмасин шифокорлар унинг сўзларига қулоқ солишмади.
Бундан норози бўлган Б.Раҳимов турли идораларга мурожаат этди, натижада бўлмади. Ниҳоят, бу ишга касаба уюшмалари аралашди. Синов тарзида ўтказилган қайта кўрик Б.Раҳимов ҳақиқатан ҳам иккинчи гуруҳ ногирони эканлигини тасдиқлади.
...ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ
«Хоразмдонмахсулот» ҳиссадорлик уюшмасида 1975 йилдан буён ҳайдовчи бўлиб ишлаб келаётган Бекберган Мадримовни шу ташкilot раҳбари ишдан четлатди. Бу бежиз эмас эди. Чунки, бошлик билан унинг орасидан «ола мушук» ўтганди. Жабрланувчи ҳақиқат излаб касаба уюшмаларига мурожаат этди. Тажрибали мутахассислар масалани ойдинлик киритиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Асоссиз ишдан бўшатилган Б.Мадримов қайта ишга тикланди. Мажбурий бекор юрган вақти учун унга 193950 сўм ундириб берилди.
Богот тумани «Ғалаба» ширкат ҳўжалигининг 3-бригадаси бошлиғи Комил Сафоев ҳам ҳеч қутилмаган бир пайда кунуни четлаб ўтадиган раҳбарлардан жабр кўрди, маънавий қийналди. Ширкат раиси уни озғак буйруқ билан вазифасидан четлаштирмоқчи эди. Масала касаба уюшмалари томонидан кўрилгач, раис Абдулла Сафоев кунуни бузганлигини тан олди. К.Сафоев яна бригадирлигига қайтди.
...МАОШ УНДИРИЛДИ
Қизик-да, ишласанг-у, маошининг вақтида олоғамасан. Урган туманидаги Жалоллиддин Манғуберди номли ширкат ҳўжалиги ҳисобчилари ва мутасаддилари айби билан бедачилик бригадалари аъзолари ва чорвадорларнинг етти ойлик иш ҳақи қўлларига тегмаётган эди. Марим Кенжаев, Мадийёр Ражабов, Султонпоша Сафоева, хуллас, жами 12 киши бу ҳақда касаба уюшмаларига мурожаат қилдилар. Шундан сўнг меҳнаткашларнинг 325 минг сўм иш ҳақи эгаларини топди.
Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

АЖОЙИБ АСАРЛАР КўРГАЗМАСИ
Ўзбекистон Бадий академиясининг пойтахт вилоятининг хушманзара ҳудудларидан бири - Оқтошдаги ижод уйи фойдаланишга топширилди. Бу ерда Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб дастлабки тadbир - республика рассомларининг биринчи симпозиуми иш бошлади. Тadbир иштирокчилари икки ҳафта давомида Оқтошнинг гўзал манзараси - пурвиқор тоғлар, кўм-кўк арчзорларини мевалари фарқ пийшган серхосил боғларидан илҳомланиб, ранг-баранг асарлар яратди. Тadbир якунида эса ана шу асарлар кўргазмаси ташкил этилади. (УЗА).

«Ишонч»га жавоб берадилар
Газетамизда босилган («Ишонч», 2001 йил 10 август) «Новвойларни ким чув туширди?» сарлавҳали мақолада Жалолқудуқ тумани тоғара ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси томонидан фонд бўйича новвойларга етказиб берилган 26 тонна унинг маълум миқдори сифатсиз эканлиги, хусусан тadbиркор Р.Абдуқодировга берилган ун нотўғри сақлангани учун қотиб қолганлиги ва шунга ўхшаш бошқа камчиликлар танқид остига олинган эди.
Қўйида мазкур мақола юзасидан олинган жавоб билан танишасиз:
Газетамизда босилган («Ишонч», 2001 йил 10 август) «Новвойларни ким чув туширди?» сарлавҳали мақолада Жалолқудуқ тумани тоғара ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси томонидан фонд бўйича новвойларга етказиб берилган 26 тонна унинг маълум миқдори сифатсиз эканлиги, хусусан тadbиркор Р.Абдуқодировга берилган ун нотўғри сақлангани учун қотиб қолганлиги ва шунга ўхшаш бошқа камчиликлар танқид остига олинган эди.
Қўйида мазкур мақола юзасидан олинган жавоб билан танишасиз:

ДАЛИЛЛАР ТАСДИҒИНИ ТОПДИ
— Газета чиқишида кўрсатиб ўтилган далиллар «Андижондонмахсулот» акционерлик уюшмаси ва «Кўргонтенадонмахсулот» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Тadbиркор Р.Абдуқодирова қабул қилиб олган 315 килограмм унинг маълум миқдори ҳақиқатан ҳам талабга жавоб бермагани сабабли сифатли махсулотга алмаштириб берилган.
Мавжуд унинг бир қисмининг сақлаш қоидалари бузилишига йўл қўйганликлари учун оғир мудири О.Содиқов ҳамда сотув бўлими лаборанти Д.Паёзовга нисбатан тегишли маъмурий жазо чораси кўрилди.
Шунингдек, «Кўргонтенадонмахсулот» ҳиссадорлик жамияти томонидан келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан тadbирлар ишлаб чиқилди ва бажарилиши назорат қилинмоқда.
С.ЮСУПОВ, Андижон вилояти ҳокими ўринбосари.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилганди

Бозор шароити муаммоларини ҳал этишда омма етакчиларининг омилкорлиги, ташкилотчилиги муҳим омил ҳисобланади. Бой билим, тажрибага эга бўлган кишилар раҳбарлик қилаётган жойларда қувончли натижаларга эришилмоқда. Янги-янги корхоналар ишга туширилиб, кишлоқ кишилари муҳим иш билан таъминланмоқда. Қувончли шукки, эндиликда Хоразм вилоятида ўз маҳсулотини экспорт қилаётган жамоалар ҳам кўпайиб бормоқда.

уйлаймиз. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейишади. Жорий йилда биргина Бот туманида мактаб ўқувчиларидан ташқари, 250 нафардан ортиқ киши юртимиз санаторий-профилакторийларида хордик чиқаришди. Бу ўн

КОРХОНА МАҲСУЛОТИ АСОСАН ЭКСПОРТТА

Кишлоқларда саноат корхоналарни ривожлантиришга оид ҳукуматимиз қарорлари четдан маҳсулот сотиб олмасдан шу ерда этиштирилётган неъматларни қайта ишлашга ва шу йўл билан янги иш ўринлари яратиш, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаб, моддий фаровонликни оширишга шароит яратди.

Даставвал тадбиркорликка таяниб, «Ўзбекистон-Россия-Англия» қўшма корхонаси ҳамкорлигида хом ашёдан тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона лойиҳа-сметаси тузилди. Харакатда баракат, деганлари бежиз эмас экан. Мазкур корхона янги мутахассисликка эга бўлган кишиларни бағрига олди. Жорий йилнинг олти ойида 34 миллион 166 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг асосий қисмини чет давлатларга экспорт қилди. Дастлабки ютуқлар чакки эмас.

Асосийси тайёр маҳсулотга бўлган талабнинг мавжудлигидир. Дарвоқе, қўшма корхонанинг сифатли маҳсулотига хорижда тобора кўпроқ эҳтиёж сезилаётгани учун четдан янги технологиялар жалб этиш имкони кенгайди.

«Богот» ширкат хўжалигида қурилган Исроилнинг «Pack Line Ltd» фирмаси ҳамкорлигидаги шарбат ишлаб чиқариш кичик заводи айнан шу йўлдаги дастлабки интилишнинг маҳсулидир. Ҳозир бу ерда кишлоқ хўжалиги-

да этиштирилаётган мева-салатлардан 10 хил шарбат ичимликлари тайёрланиб, бир қисми қўшни давлатларга сотилмоқда.

Албатта, бундай тармоқларнинг кенгайгани нур устига аъло нур. Негаки, ана шу янги корхоналар ва тадбиркорликнинг бошқа шакллари кўпайгани боис, моддий манфаатдорлик ортиб борапти. Бир мисол. Жорий йилда 737 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари қаторига яна 154 та тадбиркор қўшилди. Уларнинг ҳар бири камидан 10 нафар кишини ўз таркибига бирлаштирган.

Чет эл сармоясининг жалб этилаётганлиги нафақат ишлаб чиқаришни юксалтириш ва одамларни иш билан таъминлашга, балки туманинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, қаровсиз истироҳат боғи замонавий дам олиш масканига айлантирилди. Шу қаторда кўчалар ободонлаштирилиб, аҳолининг ичимлик сув ва табиий газга бўлган эҳтиёжи ҳам қондирилди. Жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган касб-хўнара коллежи ва лицей барпо этилди.

Эндиликда кам даромадли ва боқувчисини йўқотган, ногиронлар ижтимоий ҳимояга олинган.

Гап ишлаб чиқариш, одамлар моддий фаровонлиги ва иқтисоднинг барқарорлашуви хусусида бораркан, мана бу мисолга ҳам эътиборни қаратиш керак, деб

йил илгариги натижа билан қиёсланадиган бўлса, беш баробар кўп демакдир.

— Истиқлол туфайли орзулар ушалди. Бундан руҳланган боғотликлар ҳар соҳада ишбилармонлик кўрсатиб, фаровонликни таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Айтишлик, тадбиркорлар сай-ҳаракати туфайли ўтган олти ойда 900 та янги иш ўринлари яратилиб, шунча киши доимий иш билан таъминланди. Ёки улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 545 миллион сўмга тенг. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 марта кўп, демакдир.

Шу кунларда Боготда яна бир ташаббус ўз самарасини берапти. Чунончи, «Ўзбекистон-Япония» ассоциацияси Япониянинг «Мицубиши» ва Туркиянинг «Бурсел» фирмалари иштирокида қуввати йилга олти минг тонна ип қалава ва 15 миллион погон метр газлама ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуини қуриб, ишга тушириш қизгин паллага кирган. У халқаро ҳамкорлик бўйича япон банки кредити асосида молиялаштирилди. Лойиҳанинг ҳозирча тахминий қиймати 120 миллион АҚШ доллари миқдорига белгиланган.

Энг муҳими, ана шу корхона тезроқ битказилиб, ишга тушса тумандаги меҳнаткашлардан яна 3 минг нафар иш билан таъминланиб, янги мутахассисликларга эга бўлади.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

БОҒЧАЛАР ОТАЛИҚҚА ОЛИНДИ

Савоб ишга қўл урган, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам қўлини чўзганларнинг ўзлари ҳам асло кам бўлмайдилар. Буни «Қарши» очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти мутахассислари, ишчи-хизматчилари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур ҳиссасдорлик жамияти касабга уюшма кўмитаси раиси Ихтиёр Мустафоқулловни кўпинча одамлар ташвишида юрган пайтда учратасиз.

— Раҳбарларимиз ғамхўр ва жонқуяр, — дейди оддий ишчи Ҳалима Суярова. — Ходимларни ижтимоий ҳимоялашни биринчи ўринга қўйишади. Шунинг учун ҳам жамоамизда меҳнат унумдорлиги юқори бўлмоқда.

— Ногиронлар, кам даромадли оилаларга кўрсатилаётган ёрдамни айтмайсизми, — дея унинг фикрини маъқуллади кекса ветеринар Халил Эшев.

Шайхали кўрғонидан жой-

лашган бу мўъжазгина корхонада учта ишлаб чиқариш цехи бўлиб, вилоят маркази аҳолисини сифати кафолатланган гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлайди. Бир йилда 126 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, савдо, умумий оқатланиш тармоқларига етказиб берилаёпти.

Сифат ва суръатда юқори кўрсаткичга эришган, юксак ушшоқлик ва интизомни таъминлаган ходимлар рағбатлантириб борилаётир.

500 тонна маҳсулотни мўътадил даражада сақлашга мўлжалланган музлатиш цехи компрессорчилари Анвар Тўраев, Фиёсиддин

Неъматов, қозонхона цехи ишчиларидан Шаҳзода Омонбоева, Арслон Очиллов, электрмонтер Рўзимурод Қосимовларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ.

Ижтимоий ҳимоя йил давомида амалга оширилди. Ишчи-хизматчиларга бепул тушлик оқват ташкил қилинган. Бунинг учун бир йилда 1 миллион 200 минг сўм маблағ сарфланади. Ишчилар маошларини ойма-ой олиб туришибди.

— Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилинади, — дейди бош муҳандис Рашид Галимов. — Иш жараёнида бахтсиз ҳодисалар содир бўлгани йўқ. Ишчилар учун 300 минг сўмлик маҳсулус кийим-кечак ва ҳимоя воситалари сотиб олинди.

Корхона фойда ҳисобидан кам даромадли оилалар, ногиронларга мурувват кўрсатишмоқда. Қамшидаги Меҳрибонлик уйига телевизор, 61

минг сўмлик кийим-кечак ва 60 минг сўмлик болалар ўйинчоқлари совға қилинди. Жамоа Шайхали кўрғонидан 38-болалар боғчасини оталиққа олган. Унинг биносини иситиш, электр энергияси ва ичимлик суви учун ҳар йили 560 минг сўмлик маблағ корхона ҳисобидан сарфланмоқда.

Ташкилот раҳбари ва касабга уюшмасининг ташаббуси билан жамият иштирокидаги қўш қаватли маъмурий бино 4-шаҳар поликлиникасига бепул ижарага берилди.

Бундан ташқари «Ўлмас ёдгорлик» жамиятига 100 минг сўмлик, «Экосан» жамиятига 40 минг, «Наврўз» жамиятига 220 минг, кўзи ожизлар жамиятига 150 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.



Чет эл сармоясини жалб этиш мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш билан бирга кўплаб янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, «Анджон полипропилен» Ўзбек-Америка қўшма корхонасида бугунги кунда 220 нафар ишчи-хизматчи икки сменада меҳнат қилмоқда. Корхонада ҳозир бир кунда минг тонна полипропилен тайёр-

ланаётир. Маҳсулот сифатли ва харидор-гир бўлгани боис Россия, Қозғистон, Украина ишбилармонлари унга кўплаб буюртма беришмоқда.

Суратда: илғор тўқувчи Озодахон Тожиева.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Энг яхши сиҳатгоҳларимиз «МАРҲАМАТ» СОЧИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Республика касабга уюшмалари ҳар йили меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга катта маблағ сарфлайди. Сиҳатгоҳлар ва дам олиш уйларининг моддий-техник базаси мустаҳкамлашиб, даволанувчилар учун барча қулайлик ва шароитлар яратилган.

Ана шундай масканлардан бири «Марҳамат» сиҳатгоҳи Фарғона водийсининг Помир, Тянь-Шан тоғлари ўрамини адирилади, денгиз сатҳидан 1000 метр баландликда жойлашган. Хавоси мусаффо, мева ва сабзавотларга бой. Йилнинг 300 дан ортиқ кунни кўнгли бўлиб, ҳаво ҳарорати ўртача +20 - +30 даражани ташкил этади.

Мазкур сиҳатгоҳ бир вақтнинг ўзидан 60 нафар дам олувчини қабул қилиш имконига эга. Таянч, асаб, юрак-қон томир, сурункали тери ва нафас аъзолари хасталиклари даволанади. Маъдани ва ванналарнинг сув таркиби юқори тузлу, йод бромли, натрий хлоридли бўлиб, таркиби жиҳатидан «Мацеста» сувига тенглаштирилган. Бу ерда лой, шам, уқалаш, сауна, бассейн, лазер, юқори ва паст частотали тоқлар, ёруғлик ва иссиқлик билан даволаш муолажалари йўлга қўйилган.

Даволанувчиларга ҳозирги замон талаблари даражасида бўлган дам олиш хоналари доимо мунтазир. Люкс хоналар гойтада шинам, маданий ҳордиқ чиқариш учун чойхона, биллардхона, кутубхона, кино зали, шахмат-шашка хоналари мавжуд.

Дам олиш кунлари Фарғона водийсининг сўлими ва гўзал гўшаларига, осори-атика, меъморий жиҳатдан диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштирилмоқда.

— Келажақда сиҳатгоҳни кенгайтириш ва даволанувчилар сонини ошириш ниятимиз бор, — дейди бош ҳакам Муҳаммадхон Эминов. — Бугунги кунда 19 турда даволаш муолажалари қўлланилмоқда. Меҳнаткашлар саломатлигини яхшилаш борасида уларнинг тақдирларини инобатга олган ҳолда керакли шароитлар яратмоқдамиз.

Қорақалпоғистондан келган халқ таълими аълочили, «Дўстлик» ордени нишондори Гулбахор Утегенова, тўрткўллиқ Карима Сафарниёзова ва Меҳрибон Сафарова, хоразмлик Сўнажон Давлатова, шаҳрихонлик Маъруф Тўраевлар шифокорлар, терапевт Обиджон Маматқодиров, невропатолог Азизахон Шамсутдинова, парҳез шифокор Фаридахон Қўчқорованинг давосидан ва хушмуомаласидан беҳад хурсанд эканликларини изҳор этишди.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг шу йил июни ойидаги 2001 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти меҳнаткашлари ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида дам олдиришни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига биноан Қорақалпоғистон Республикасидан 46 нафар ва Хоразм вилоятидан 24 нафар хотин-қиз «Марҳамат» сиҳатгоҳида даволандилар.

Ортиқ САЙДОВ, Андижон вилояти.



Балиқчи туманида мустақиллигимиз туҳфаси сифатида янги коллеж ўз фаолиятини бошлади. 750 нафар ўқувчини ўз бағрига олган қурилиш-коммунал хўжалиги касб-хўнара даргоҳи жуда қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишида вилоят «Жамферлоийҳақурилиш» ширкатлар бирлашмаси қурувчилари жонбозлик кўрсатдилар. Ушбу зиё маскани европача услубда шарқона безатиш билан, унда олти йўналиш бўйича йигит ва қизлар касб-хўнара ўрганилди.

Замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган коллежда билим ва ҳунар ўргатиш учун мураббийлар «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиққан ҳолда, тест синовлари орқали ишга қабул қилинмоқда. Ҳунар йили бошлангич билан хоналар замонавий компьютер ва техника жиҳозлар билан таъминланди.

З.ШАҲОБИДДИНОВ.

ШАРТНОМА - ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Адлия вазирлигида шартномавий муносабатлар механизмни такомиллаштириш ва амалда янада кенгроқ жорий этиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда шартномавий муносабатларда томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг аниқ бажарилиши, уларнинг ижроси учун жавобгарлик, кишлоқ хўжалигида ишчи янги-ташкил этишнинг энг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилиши Адлия вазирлигининг тегишли бошқармалари томонидан назорат қилиб келинмоқда. Шунга қарамай, муаммолар йўқ эмас.

Танқидий рўхда ўтган семинар чоғида бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди, шартномалар тузиш қоидаларига изчил амал қилиш бўйича назоратни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА).

Белгиланган тадбирларнинг қай даражада амалга оширилиши, ишловчиларга яратилаётган шароит, ҳақ-хўқуқларининг таъминланиши, касабқўм раисининг салоҳиятига, бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишига боғлиқ. Афсуски, Уйчи пахта тозалаш акциядорлик бирлашмаси касабга уюшма кўмитаси раиси Зокиржон Бойтўраев фаолиятидан кўпчилик қониқмаяпти. Бониси, у мурасосозлик йўлини тутган. Хатто корхона ишчи-хизматчилари шу йилнинг март ойидан бери мош олишмаётгани уни ташвишлантирмаётир. Корхонанинг ишловчилардан қарздорлиги 16,8 миллион сўмни ташкил этди...

Табиийки, бундай шароитда касабқўм даставвал маъмуриятга тақдимнома киритиши, натижаси бўлмаса судга мурожаат қилиши мумкин. Афсуски, ундай бўлмади. Касабқўм раиси ҳеч нарсани сезмагандек юраверди. Қачонки, вилоят касабга уюшмалари Кенгаши ушбу ҳолатдан хабар топиб бонг ургандан кейингина «Ие, шунақа бўларканми» дея ажабланди. Хўш, касабқўмининг иш усули вилоятдаги шу тизимда ишлайётган кишиларни нега ажаблантирди?

Яна таъкидлаймизки, касабга уюшма ташкилотига ҳамма жойда ва ҳар қандай шароитда ишловчи манфаатини кўзлаши, унинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим. Лекин Бойтўраев мурасосозлик йўлини тутди. Меҳнат жараёнида йўл қўйган жузъий камчиликлари учун беш нафар ишчига ҳайфсан

МУРОСАСОЗЛИК

адолатсизликка йўл очмоқда

бериш бўйича маъмурият билан қўшма қарор тайёрлади.

Қарангки, касабга уюшма кўмитаси раиси ишчиларни жазолаш учун ҳар қанча уринмасин, маъмурият шовишмади. Корхона раҳбари қўшма қарорга имзо чекмади.

Лекин шу кунга қадар ҳам бу ерда қонун бузилиши ҳолатлари юз бериб турган. Чунончи, 6 феврал кунини 3 нафар ишчинини иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра ишдан бўшатиш, 17 январда штатларни қисқартириш бўйича комиссия тузиш, ходимларга 2 ой учун компенсация тўлаш тўғрисида қўшма қарорлар чиқарилган. Ҳолбуки, қонун талабларига кўра хо-

«Ишонч» бонг уради

йиллик иш режаси хўжалик бошқаруви раиси томонидан тасдиқлаб келинган. Кўмита раиси Д.Нуриддинова бунга эътироз билдир-

спертизадан ўтказиб, сўнгра рўйхатда олиш тартиби жорий қилинган. Биз сўз юритаётган ипакчилик ширкат хўжалигининг жамоа шартномасига иш ҳақини ҳар ойда бериб бориш, шунингдек, Учкўрғон туманидаги «Анджон» ширкат хўжалигининг жамоа шартномасига эса штатлар қисқартирилганида эркакларни 59, аёлларни 54 ёшидан нафақага чиқариш тўғрисида бандлар киритилган. Аммо бу шартномалар туман кўмиталаридаги ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган.

Юқорида тилга олиб ўтилган касабга уюшма ташкилотлари фаолиятидаги жиддий нуқсонлар Наманган вилояти касабга уюшмалари Кенгашининг ҳайъат йиғилишида атрофлича кўриб чиқилиб, қаттиқ танқид остига олинди ва айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Фоғиржон КАРИМОВ, Наманган вилоят касабга уюшмалари Кенгаши бош меҳнат ҳуқуқи ноziри.

Юртимиз пурвиқор тоғлари, кўркам манзаралари, жўшқин дарёлари, асалдек ширин мевалари, бог-роғлари тилларда достон. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасига қарашли «Чимён» санаторийси ҳам Фарғона водийсидаги ана шундай тенги йўқ гўшалардан бири.

«Ҳамшира — 2001»

Усонова ушбу мавзунини чуқур мазмунли композицион йўл билан очиб берди. Ҳакамлар бу ҳамширага 25 балл беришди.

Ҳикоя»сини шундай маҳорат билан ижро этдики, залдагилар тўлқинланиб кетдилар.

Ҳамширалар мусобақасида қатнашган «Косонсой», «Чинобод», «Умид гулшани» ва бошқа сиҳатгоҳ вакиллари ҳам ўзларининг ҳар томонлама тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишиб, томошабин ва ҳакамлар хурматини қозонишди.

Лекин мусобақада фақат зўрлар ютади, деганларидек, «Чимён» сиҳатгоҳи вакили Табассум Сайдорипова 123 балл тўплаб, ғолибликни кўлга киритди. Икки балл орта қолган «Турон» санаторийси ҳамшираси Азиза Сайбекова ва иккинчи ўринни эгаллади. «Чортоқ»дан келган ҳамшира Шахло Усоновага фахрли учинчи ўрин насиб этди.

Тантанали суратда «Чимён» санаторийсига «Дамас» автомашинасининг қалити топширилди. Мутлақ ғолиб Табассум Сайдориповага эса «Самсунг» телевизорини ҳам ўзининг қўлига олиб берди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган юқоридаги жамоа аъзоларига ҳам қимматбаҳо совғалар берилди. Ғолибларга бошқа оталиқ ташкилотлар ҳам ўз совғаларини тортиқ этдилар.

Ғулум ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.


«ДАМАС» ЧИМЁНЛИКЛАРДА

вал ўзини таништирди, ўзи ишлаётган сиҳатгоҳга таъриф беради, дам олишга чорлайди. Аниқроқ қилиб айтганда реклама қилади. Иккинчи шартда тест саволларига жавоб беради. Учинчи шарт эса эркин мавзу бўлиб, унда ҳамширалар ўзларининг бадиий ижод намуналарини намойиш қилади.

Биринчи бўлиб сахнага чиққан «Қашқадарё соҳили» сиҳатгоҳи ҳамшираси Наргиза Наҳматуллаева юрт гўзалликлари, санаторийдаги беморларга яратилаётган шарт-шароитлар, даволаш усуллари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берди. Шундан кейин мусобақа шартлари эълон қилинди. Унга кўра сахнага чиққан ҳар бир ҳамшира ав-

иккинчи босқичда байроқни «Турон» сиҳатгоҳи ҳамшираси Азиза Сайбекова олиб кетди. Чунки биринчи босқичда санаторийсини таништиришда бор маҳоратини ишга солиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди ва энг юқори баҳони кўлга киритди. Иккинчи босқичда эса даволаш, тиббий ускуналардан тўғри фойдаланиш, шу билан бирга миллатимиз тарихи, маданияти, мустиқиллик мавзусидаги саволларга аниқ жавоб бериб, ўзининг ҳар томонлама чуқур билимга эга эканлигини намойиш этди. Шунинг учун у икки босқичда жами 75 балл жамғаришга муваффақ бўлди.

Ундан бир балл орақда келаётган «Чимён» санаторийси ҳамшираси Табассум Сайдорипова ҳам бўш келмади. Учинчи турдаги «Она ҳақида



Жиззах шаҳрида «Ўзек-сайд» Ўзбекистон-Американи кўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Ушбу кўшма корхона ишга тушгач, йилга 1 миллион дона кўрғошинли-кислотали аккумулятор ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Бош пудратчи — Туркиянинг «Айсел» қурилиш компанияси. Ҳозир бу ерда пардозлаш ва монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Суратда: корхонага асбоб-ускуналар ўрнатиш жараёни.

Баҳром ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Қонун барча учун баробар

Ер ва сувдан оқилона фойдаланиш деҳқончилик тараққиёти ва мўл-қўлчиликнинг асосий омилдир. Афсуски, ана шу оддий ҳақиқатнинг маъносини англай олмаётган кимсалар ҳам бор экан.

БЕБАҲО БОЙЛИК ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Кувасойдаги «Кварц» акционерлик жамиятида мева-сабзавотларни консервацияда ишлатиладиган ситими 0,35 литрдан 3 литргача бўлган банкаларнинг саккиз хили, шунингдек салқин ичимликлар қуйиш учун шиша идишларининг бир неча ҳажмидагиси ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилгани боис меҳнат унумдорлиги ортиб, буюртмачилар сони кўпаймоқда.

Суратда: ўз касбининг устаси Ойбек Саидбеков.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги, сув ва сув меъёрининг бузилиши, зах қочириш тадбирлари бажарилмаслиги оқибатида ернинг мелиоратив ҳолати бузилади. Самарқанд вилоят прокуратураси «Самарқандкурлиштиндустрия», «Зарводийсув» бирлашмалари, «Самарқандсувқурилиш» трести корхоналари тасарруфидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ишларнинг ахволини ҳамда бу мақсадга ажратилган маблағлардан қандай фойдаланилаётганини ўрганди. Ерни қадрлаб, сувдан оқилона фойдаланаётганлар кўп. Лекин бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина.

борсизлиги оқибатида зах сувлари тушадиган зовурлар тўсиб қўйилган ва натижада ҳўжалиkning 40 гектар ерида мелиоратив ҳолат бузилган. Бунинг таъсирида пахта, ғалла ҳосилдорлиги кескин камайиб кетган.

Ер ва сувга бўлган муносабат Гўзалкент туманида айниқса, ачинарли. 907 гектар ернинг мелиоратив ҳолати жуда ёмон. Шунга қарамасдан туман ер ресурслари хизмати бўлимида ана шу муаммо ечимига доир чора-тадбирлар тўғрисида бирор-та маълумот мавжуд эмас.

Нарпай туманидаги «Олтин булок», «Оқ олтин», Ойбек номли, Ислон шoir номли ширкат ҳўжаликлариде ер ҳолатини яхшилаш бўйича тегишли ҳўжатлар «Самсув-лойиҳа» институтига топширилган бўлса-да, ҳанузгача лойиҳалар тайёрланмаган. Белгиланган лойиҳа бўйича 2000-2002 йилларда тумандаги А.Навоий, М.Улуғбек, Ибн Сино номли, «Нарпай», «Ўзбекистон», «Ғалаба» ширкат ҳўжаликлариде 93 гектар ерни реконструкция қилиш, 1268 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш режалаштирилган. Аммо амалий ишдан дарак йўқ.

Умуман олганда оқар сувлардан, суғориш қудуқларидан фойдаланиш жиддий назоратга олиниши керак. Лекин бу ишлар ҳам сусайтириб юборилган. Жумладан, вилоят сувдан фойдаланиш инспекцияси томонидан 84 нафар фуқарога жарима солинган бўлса-да, уни ундириш ҳанузгача таъминланмаган. Вилоят сув инспекцияси нозир У.Қамбаров, Оқдарё, Каттақўрғон, Ургут туманлари сув нозирлари Х.Тожиёв, Р.Бобоназаров, А.Даминовлар қонунбузи-

лиш ҳолатларини ҳўжатлаштириш ўрнига айбдорлар билан келишувчилик қилишган. Ваҳоланки, сувдан фойдаланиш бўйича улар асосий жавобгар ҳисобланадилар.

Яна бир ғалати ҳолат хусусида. Сув ҳаммага керак. Шу боис бу борадаги эҳтиёжни қондиришнинг ҳам ўз қонун-қоида-си бор. Бироқ буни бошқача фикрлайдиган раҳбарлар ҳам бор экан. Жумладан, Сибё туманидаги «Сувмаҳсувати» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Н.Каримов мансаб ваколатини суистеъмол қилишдан тап-тортмади. У ўтган йили Самарқанд туманидаги «Омон бобо» товуқчилик фермаси билан шартнома тузмасдан корхона ҳисобидан нархи 6 миллион сўмликдан зиёд сув қудуғини қуриб берди. Расмий ҳўжатларда ба-жарилган ишларни ҳисоботдан яшириб, товуқчилик фермаси раҳбари Ш.Жалоловдан 350 миң сўмни нақд санаб олиб, чўнтакка урган. Шунингдек, у мазкур тумандаги Қўшманч қишлоғи аҳолиси билан оғзаки келишувга асосан корхона ҳисобидан 4,2 миллион сўмлик сув қудуғи қуриб, фуқаро С.Убайдовдан 100 миң сўмни нақд олган. Н.Каримов раҳбар бўлган корхонанинг эса қарийб 1,5 миллион сўм муддати ўтган дебитор, шу жумладан, меҳнат ҳақи бўйича ишчилардан 1,4 миллион сўм қарзлари мавжуд. Шундай вазиятда бошлиқ фақат ўз чўнтагини қап-пайтиришни ўйлагани ҳайратлангандек кишини.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида айбдорларнинг ҳаммасига нисбатан тегишли таъсир чоралари қўлланилди. Вилоятда сувдан фойдаланишнинг яхшиланишига имкониятлар кўп, албатта. Қисқаси, ҳаёт манбаи ҳисобланиши суви ифлослантириш, исроф қилиш гуноҳи азим. Зеро, сув ва ер тирикчиликнинг асосий манбаи экан, уни асраш муқаддас бурчимиздир.

Р.КУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

Маълумки, Орoлбўйи минтақасидаги сув тақчиллиги ҳамда юзага келган ноҳуш экологик вазият туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республиканинг ушбу ҳудудидаги аҳолига ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда бутун мамлакат бўйлаб Орoлбўйи аҳолисини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбир ўтказилмоқда.

254-сонли маҳсус «Нукус-Андижон» поездида Хоразм ва Қорақалпоғистондан 158 нафар йўловчи Андижонга етиб келди. Меҳмонларни карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Андижон вилояти касба уюшмалари кенгаши раиси вазифини бажарувчи Ғ.Содиқов тантанали митингни очар экан, дам олишга келган хотин-қизларни самимий қутлади. У оналар ва болалар йили муносабати билан қабул қилинган хотин-қизларни соғломлаштириш дастури ҳамда бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.


Мен Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак раҳбарлик қилаётган Меҳрибонлик уйида ҳамшира бўлиб ишлайман, - деди хивалик Дилбар Бекжоновна. Қарамоғимизда 180 нафар бола бор. Меҳнатимиз эйтиборсиз қолмаётганидан мамнунимиз. Давлатимиз гамаҳўрлиги туфайли биз 18 кун давомида бепул даволаниш, айни пайтда Андижон вилояти билан танишиш имконига эга бўлдик.



OLAMDA

УЛЬТИМАТУМ ТОПШИРИЛДИ

Покистон дипломатлари Усама бен Ладенни сўзсиз топшириш талаби юзасидан Америка ҳукуматининг ультиматумини толибларга тақдим этди. Ушбу масала билан Покистон расмий делегацияси Кандаҳорга келди. Маълумотларга қараганда, айни вақтда «Толибон» ташкили ишлар идораси бошлиғи Мутаваккил билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Муқаддам Покистон дипломатлари БМТ хавфсизлик кенгашининг қўллаб-қувватлашига мушарраф бўлган эдилар. Покистон элчилари толиблар етакчиси мулла Умар билан учрашадиларми, йўқми, бу ҳозирча номаълум.



АҚШ ЯНГИ ИТТИФОҚЧИГА ЭГА БЎЛДИ

Афғон аксилтолибчилар иттифоқи раҳбарияти Америка ҳукуматининг миллионер Усама бен Ладенга қарши қаратилган қасос операциясини ўтказишда ёрдам кўрсатажаниги маълум қилди. «Биз террорчиларнинг машқ лагерларини, шунингдек «Толибон» ҳаракатининг террорчилик операцияларини ўтказиш чоғида фойдаланадиган инфратузилмаларни йўқ қилишда қатнашишга ҳозирмиёз», деди «Шимолий альянс»нинг юқори мартабали вакили А. Абдулла. Ўз интилишларининг нечоғлик жиддийлигини тасдиқлаш мақсадида улар толиблар назорати остида бўлган Мозори-Шарифга ҳаводан зарба берганликлари ҳақидаги хабарни тарқатдилар.

ЯҚИН ШАРҚ ЯНА МОЖАРОЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНДИМИ? Япония базаларидаги Америка кемаларининг ўз жойларини тарқ этаётганлиги тўғрисида

мудофаа вазири Дональд Рамсфелд рад этмаётир. Ҳар ҳолда у журналистларнинг тўғридан-тўғри саволига қатъий рад жавобини бермади. Саволга жавобан Пентагон раҳбари 1945 йилдан буён АҚШ бундай қалитс ишга қўл урмай ҳам қатор муаммоларни ҳал қилиб келганини таъкидлаб, шу билан бирга «Терроризм каби жиддий масала ечимини номаълум йўналиш бўйлаб излаш мумкин»лигини истисно этмади.

«Фокс ньюс» телекомпаниясига интервью бериб, шунингдек Д.Рамсфелд деди: «АҚШ террорчиларга ҳамма ерда ва исталган аснода ҳужум уюштириши мумкин, зотан террорчилардан энг муҳим ҳимоя, бу ҳужумдир».

ЯҚИН ШАРҚ ЯНА МОЖАРОЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНДИМИ? Япония базаларидаги Америка кемаларининг ўз жойларини тарқ этаётганлиги тўғрисида



хабарлар тарқатилмоқда. АҚШ ҳарбий денгиз қучларининг Йокосукидаги базасида жойлашган «Куртис Вилбур» ракета эсминеци ортиндан «Вин сенс» ракета крейсери ҳам жанубга томон номаълум йўналиш бўйлаб йўлга чиққанлиги айтилади. Тахминларга қараганда, у ҳам халқаро терроризмнинг таянч марказларига қарши операцияларда қатнашади.

Йокосукидан йўл олган барча кемалар «Тамагавк» қанотли ракеталари ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳам қузатиш, ҳам нишонни мўлжалга олишга мўлжалланган. «Иджда» автоматик ракета системаси билан қуроллангандир.

(Интернет хабарларидан).

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ...

Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Турсунтош Турсунова тенгқурлари орасида кўп пахта териб, илғор теримчига аталган ўнлаб мукофотларни олган. У шу ерда оила қуриб, бир-биридан ширин 4 нафар фарзанд кўрди. Кунларнинг бирида бахтсиз ходиса сабабли икки оёғи лат еди. Даволашнинг иложи бўлмади. Уйда ўтириб қолди. Фарзандлари унинг атрофида парвона. Истагини дарҳол бажаришади. Аммо, опанинг бошига тушган кулфатдан кўнгли яримта.

Шуни инобатга олиб яқинда, унинг хонадонига «Ҳазорбоғ» ширкат ҳўжалигининг касабакўми раиси Абдимўмин Мирзаев ҳамда бир гуруҳ фаоллар ташириф буюришди. Дастурхон атрофида ширин сўхбат қилишди ва унга уюшма ҳисобидан ногиронлар аравачасини топширишди. Бундай эйтибордан опанинг боши осмонга етди.

Т. РУСТАМОВ.



Теннис бўйича «Президент кубоги» VIII аънавий халқаро турнири ниҳоясига етди

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» кортларида зўр муваффақият билан ўтказилган «Президент кубоги» аънавий халқаро турнири бахслари ниҳоясига етди. Утган яқшанба оқшони саккизинчи бор ташкиллаштирилган турнирнинг яқкалик ҳамда жуфтлик беллашувлари голибларини аниқлаб берди.

Ярим финалда ҳамюртимиз Олег Огородов ҳамда чехиялик Даниэл Вацек жуфтлигини мағлуб этган М.Бернард (ЖАР) ва Ж.Томас (АҚШ)лар ҳал қилувчи баҳода рақиблари

ярим финал беллашувида кейин ўтказилган матбуот анжуманидаги фикр-мулоҳазаларини баён этишни лозим топди:

— Биласизми, Евгений билан ўтказилган учрашувларнинг аксариде менинг қўлим банд келган. Имкон қадар ўйнадим, бироқ бугун негидир омад мендан юз угирди.

Кўрсатган ўйинимдан эса қониқдим, албатта. Зеро, у менинг охириги пайтлардаги энг яхши ўйинларимдан бири бўлди.

— «Президент кубоги»га кейинги йил ҳам таширив бурасизми?

— Очигини айтсам, менга турнир жуда ёқди. У ҳар томонлама намунали ташкил этилган. Навбатдаги «Президент кубоги»га келиш-келмаслигим ҳақида эса ҳозир аниқ бир нарса дейолмаман. Лекин келгуси йил Тошкентга келиш ниятим йўқ эмас.

— Тошкент шаҳри тўғрисидаги таассуротларингиз.

— Тўғриси, яқкалик ва жуфтлик баҳсларидаги тизим ишториким боис шаҳаримиз билан ақиндан танишиш имконияти бўлмади. Қисқа танишувим натижасидаги таассуротларим эса жуда яхши.

— Сизнингча, финал баҳси қандай натижа билан якунланади?

— Аввало, финалда бир мамлакат вакиллари билан баҳс юритишни қийин кечини ташкиллаш лозим. Менимча, Е.Кафельников галаба қозонади. Чунки у Маратга нисбатан ҳар жиҳатдан яхши ўйнайди...

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч»нинг спорт шарҳловчиси.

САФИН — КУБОК СОҲИБИ Хрбатининг башорати амалга ошмади



бўлмаса кортдан мағлуб сифатида чиқишига оз қолди. Фақат омад деганлари унга тай-брекдаги 7/6 (5) ҳисобини тақдим этди.

Евгений Кафельников (Россия) ва Доминик Хрбати (Словакия) ўртасидаги иккинчи ярим финал баҳси ҳам кўп жиҳатлари билан Сафин — Саргисан учрашувини тақрорлади. Бинобарин, ўйинлар давомида рус теннисчиларида кўпроқ ҳолатларнинг сезилганлиги ҳамда ҳисобдаги ўхшашлик фикримизни тасдиқлайди. Аксар мухлислар

Хабарингиз бўлса, турнир шарҳига бағишланган сўнги мақоламизга «Сафини ё Кафельников?» деб сарлавҳа қўйган ва бу билан мусобақанинг биринчи ҳамда иккинчи теннисчиларидаги бири «Президент кубоги» соҳибига айлинишини тахмин қилгандик. Тахминимиз амалга ошди, улар финалда куч синашдилар. Бу россиялик теннисчиларнинг халқаро турнирлар финалидаги илк учрашуви эди. Айтиш жоизки, Марат Сафин рақибига нисбатан ҳужумкорона ўйин кўрсатди ва ҳақли равишда иккинчи бор голибликни қўлга киритди. Едингизда бўлса, бундай шарафга Буюк британиялик Тим Хенман 1997-98 йиллардаги беллашуларда сазовор бўлган эди.

Энди бевосита яқкалик ҳамда жуфтлик беллашувларининг ярим финал ва финал баҳсларида тўхталсак. Асосий сеткада Нуам Оқун (Исроил), Марк Россе (Швейцария), Кристиан Плесс (Дания)ларни катта устунлик билан мағлуб этган Марат Сафин ярим финалда мусобақа кашфиёти — арманистонлик Саргис Саргисандан яхшигина «сабоқ» олди. Биринчи сетни тай-брекда 6/7 (3) ҳисобида бой берган М.Сафин иккинчи сетни катта қийинчилик билан ўз фойдасига ҳал этди: 6/3. Мурсосиз учрашувининг сўнги сетида россиялик теннисчи сал

ҚИЗИҚИШ КҮН САЙИН ОРТМОҚДА

Сўнги йилларда мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари қўлаб халқаро мусобақаларда зафар кучиб, жаҳон бокс рейтингига муносиб ўринга кўтарилгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, юртимизга энди-энди кириб келаятган профессионал бокс соҳасида ҳам аста-секинлик билан бўлса-да салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқдаки, бу Ватанимиз профи-боксии келажакнинг порлоқлигидан дарак беради.

Яна санокли кунлардан сўнг, аниқроғи, 21 сентябр куни «Юнусобод» спорт мажмуида профессионал бокс бўйича катта мусобақалар бўлиб ўтади.

Ҳақиқатан ҳамда Кувончбек Тойгонбоев ҳимоя қилади.

Ярим ўрта вазн бўйича ҳаваскорлар ўртасида қитъа, Олимпиада ва жаҳон чемпиони, Мухаммадқодир Абдуллаев

Профессионал бокс

Филиппинлик Рэй Пелонья билан баҳс олиб боради. Маълумки, Рэй Пелонья бутун фаолияти давомида 40 га яқин «жанг» ўтказиб, уларнинг деярли барчасида галаба қозонган. Шунингдек, у IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони ҳисобланади. Икки тажрибали боксчи ўртасида чемпионлик камари учун кенаядиган ушбу учрашув анча мурсосиз ўтса, ажабмас.

Яна бир ҳаюртимиз Руслан Чагаев энг оғир вазнда профессионал боксдаги илк «жанг»ини яна бир хорижлик «чарм қўлқоп» устаси Ронни Копилендга қарши ўтказди.

Учинчи «профи»чимиз Кувончбек Тойгонбоев эса ярим ўрта вазнда жанубий корейлик Квон Хук Жимга қарши рингга тушади. Улар ўртасидаги баҳс WBO йўналишидаги янги чемпиони аниқлаб бериши мумкин. Чунки Квон Хук Жим профессионал боксининг мазкур йўналиши бўйича жаҳон чемпиони ҳисобланади. Бундан ташқари, шу куни «Юнусобод» рингларида яна бир неча номдор боксчилар учрашуви ҳам бўлиб ўтади.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

МАЙДОНДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

Тошкент вилоятининг сўлим ва баҳаво гўшаларидан бири — Оқтошда «Семур» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитасининг аънавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиада «Оналар ва болалар йили»га бағишлангани боис унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тармоқ қасаба уюшма кўмиталарининг аёллар жамоалари — вилоят боксчи голиблари иштирок этдилар.

Тошкент вилоятининг сўлим ва баҳаво гўшаларидан бири — Оқтошда «Семур» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитасининг аънавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиада «Оналар ва болалар йили»га бағишлангани боис унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тармоқ қасаба уюшма кўмиталарининг аёллар жамоалари — вилоят боксчи голиблари иштирок этдилар.

«Аёлларимиз волейбол, стритбол, теннис, шашка, стол тенниси бўйича мусобақалашдилар, - дейди Марказий кўмита раиси Жория Алимхўжаева. — Макссадимиз бу каби спорт тадбирларига аёлларни кўпроқ жалб этиш орқали саломатликларини мустаҳкамлашдир. Қо

лаверса, жамоалар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳам ривож топиб, тажриба алмашилади, янги ютуқларга эришиши мумкин.

Аъло кайфият ва қизгин беллашувлар остида ўтган спартакиаданинг волейбол, стритбол, шахмат ҳамда шашка мусобақаларида Тошкент вилояти ва

киллари пешқадамлик қилдилар. Енгил атлетика бўйича голиблик Жиззах вилояти спортчиси Илмира Гарафуддиновага, стол тенниси бўйича тошкентлик Нелля Жейгага насиб этди.

Иккинчи ўринни эса волейбол бўйича Хоразм вилояти, стритбол, енгил атлетика ва шашка мусобақаларида Наманган вилояти вакиллари, стол теннисида Жиззахликлар, шахмат баҳсларида сурхондарёликлар қўлга киритдилар.

Волейбол ва стол тенниси мусобақаларида учинчилик Фарғона вилояти спортчилари ҳисобига ёзилди. Енгил атлетика ҳамда шашка бўйича беллашувларда сурхондарёликлар, стритболда самарқандликлар, шахматда наманганликлар учинчи бўлдилар.

М.ЎРМОНЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.



ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда Қонимех туманидаги қишлоқ ҳўжалик коллежиде вилоят халқ таълими ходимлари спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда ўн бир жамоа мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича баҳс олиб бордилар.

Мини футбол беллашувларида қизилтепалликлар биринчи ўринни эгаллашди. Стол тенниси бўйича шахсий биринчиликда хатирчилик Феруза Иноятова ва Садриддин Худойбердиеваларга омад қўлиб боқди. Шахмат-шашка баҳсларида Мехринисо Умирова (Қизилтепа тумани) ва Евран Саҳадов (Қонимех тумани), Толиб Абдуллаев ва Дияра Садуллаева (Навбахор тумани)лар шўхсунага кўтарилдилар.

Б. БОЗОРОВ, Навоий вилоят таълими ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси етакчи мутахассиси.

САЙДУЛЛА — ЧЕМПИОН

Қозғистоннинг Остона шаҳрида қўл жанги бўйича Евро-Осиё биринчилиги бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик бошқа спорт усталари қаторида Андижон темирйўл бекати тармоқ ички ишлар бўлинимаси нозир Сайдулла Акбаров ҳам иштирок этди. Сайдулла ўз вази тоифаси бўйича барча рақибларини мағлуб этиб, финалда бошқирдистонлик жаҳон чемпиони Венер Галиев билан беллашди. Кўтаринчилик билан кураш олиб борган ҳамюртимиз қучи рақибни устидан соф галабага эришди.

— Баҳс оғир кечди, албатта, — дейди С.Акарбов. — Лекин Ватан шарафини ҳалқимиз ишончи менга куч-қувват берди турди. Сайдулла айна кунларда бўлажак жаҳон чемпионатида қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.

Миллий кураш

ҳодир Менгниёзов, энг оғир вазнда машур полвон, жарқўрғонлик Рустам Эргашевлар мутлоқ голиб бўлиб, туман ҳокимлиги томонидан таъсис этилган

бош соврин — бир бош қорамолни қўлга киритишди. Шунингдек, совриндорларга вилоят спорт кўмитаси ҳамда «Лочин» фермер ҳўжалигининг пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Турнир голиблари шу йилнинг 28-29 сентябр кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича аънавий V халқаро турнирига йўлланма олишди.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

ИСТИҚЛОЛ ГҲНЧАЛАРИ ТУРНИРИ

Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли «Кураш мактаби»да мустақилликнинг биринчи йилида тузилган ўқувчилар ўртасида «Истиқлол гўнчалари» турнири ўтказилди. Шуниси эътиборга лойиқки, 100 нафарга яқин ёш полвонлар илк марта баҳс мусобақаларида иштирок этишлари қарамасдан учрашувлар гоёт қизиқарли ўтди.

Шаҳрисабзлик У.Ибрагимов ва С.Қоллонов, қаршилик У.Рўзиев ва Р.Қобилжонов, яқкабоғлик М.Қобилжонов ва У.Қудратов ҳамда бешкентлик Б.Қаршиев ва Д.Қаршиев ўз вазнлари бўйича голиб деб топилди.

Тўрабойга йўлланма

Ҳақиқатан ҳамда Кувончбек Тойгонбоев ҳимоя қилади.

Турнир голиблари шу йилнинг 28-29 сентябр кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича аънавий V халқаро турнирига йўлланма олишди.

МАҒЛУБИЯТ ҲАМИША АЛАМЛИ

Лекин мухлислар нияти битта: севимли жамоаларини жаҳон чемпионатида кўриш

Ҳеч бир команда мағлубиятдан қафолатланмаган. Бу — футбол. Ўзбекистон терма жамоасининг Шеньяндаги муваффақиятсизлигидан сўнг Хитой ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги фарқ тўрт очкони ташкил этмоқда. Бу жуда кўп, албатта. Шунинг учунки, рақибларимизни 17 октябрда бўладиган жавоб учрашувида таслим этган тақдиримизда ҳам тафовут сақланиб қолиши мумкин. Шубҳасиз, Бирлашган Араб амирликларига бўладиган қийин сафарни истисно этганда, Уммон ва Қатар футболчиларини ўз майдонида қабул қилиш хитойликлар учун ажайиб имкониятдир. Боз устига, юртдошларимиз айнан шу жамоаларнинг меҳмони бўлади ва тан олиш керакки, бу баҳсларни ўз фойдасига ҳал қилиш қўлаб муаммоларни енгиб ўтишни тақозо этади.

Шундай қилиб, гуруҳ пешқадамлари ўртасидаги ўзаро беллашувида терма жамоамиз мухлислар ишончини оқлай олмади. Биз лоақал дуранг натижа қайд этилишидан умидвор эдик. Бунга етарлиқ асосларимиз ҳам бор эди. Гарчанд, ҳужум чизигида бу гал хасталиги туфайли Максим Шақчих қатнашмаган эса-да, Москванинг «Локомотив»ида етакчи ўйинчига айланган Владимир Маминавнинг ниҳоят терма жамоамиз таркибиде пайдо бўлиши мавжуд йўқотишининг ўрнини боси-

борни қаратишни истардик. Едингизда бўлса, Абу-Дабида терма жамоамиз иқлимга мослаша олмастик жабрини тортганди. Шундан хулоса чиқарибми, бу гал футбол делегациямиз манзилга уч кун аввал йўл олди. Лекин бу ҳам иш бермади. Беллашуни бу қадар узок вақт қутуш ўйинчиларимизни руҳан толиқтирдими, ҳар қалай биз уларни майдонда ҳорғин холда кўрдик. Ҳаммасидан ҳам дарвозабон А.Поляков ўзини қўлга ола билмади. У тўрдан иккита тўп олиб чиқди. Яна шунча олиб чиқиши мумкин эди. Хайриятки, хитойлик ҳўжумчиларда маҳорат етишмади. Ваҳоланки, биз билган Поляков ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолишга қодир эди. Лекин, афсуски, ундай бўлмади.

Футболда ёзилмаган бир қоида бор: мағлубият учун ҳамиша жамоа тренери «калтак ейди». Ҳўш, биз ҳам ушбу аънавадан келиб чиқди. В.Сальковга таъна тошларини отишга ҳақлимизми? Ҳам ҳа, ҳам йўқ. «Йўқ» шунинг учунки, у деярли тағал футбол делегациямиз манзилга уч кун аввал йўл олди. Лекин бу ҳам иш бермади. Беллашуни бу қадар узок вақт қутуш ўйинчиларимизни руҳан толиқтирдими, ҳар қалай биз уларни майдонда ҳорғин холда кўрдик. Ҳаммасидан ҳам дарвозабон А.Поляков ўзини қўлга ола билмади. У тўрдан иккита тўп олиб чиқди. Яна шунча олиб чиқиши мумкин эди. Хайриятки, хитойлик ҳўжумчиларда маҳорат етишмади. Ваҳоланки, биз билган Поляков ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолишга қодир эди. Лекин, афсуски, ундай бўлмади.

«калтак ейди». Ҳўш, биз ҳам ушбу аънавадан келиб чиқди. В.Сальковга таъна тошларини отишга ҳақлимизми? Ҳам ҳа, ҳам йўқ. «Йўқ» шунинг учунки, у деярли тағал футбол делегациямиз манзилга уч кун аввал йўл олди. Лекин бу ҳам иш бермади. Беллашуни бу қадар узок вақт қутуш ўйинчиларимизни руҳан толиқтирдими, ҳар қалай биз уларни майдонда ҳорғин холда кўрдик. Ҳаммасидан ҳам дарвозабон А.Поляков ўзини қўлга ола билмади. У тўрдан иккита тўп олиб чиқди. Яна шунча олиб чиқиши мумкин эди. Хайриятки, хитойлик ҳўжумчиларда маҳорат етишмади. Ваҳоланки, биз билган Поляков ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолишга қодир эди. Лекин, афсуски, ундай бўлмади.

Яна беш кундан кейин терма жамоамиз «Пахтакор» стадионида Бирлашган Араб амирликлари футболчиларини қабул қилади. Албатта, «чарм тўп» усталаримиз қандай бўлмасин, гала-

ши даркор. Бу жумбоққа Сальковнинг тиши ўтади, йўқми, олдидан бир нарса дейиш қийин. Нима бўлганда ҳам жамоа рақобатлари ва мураббийлари ўзлари пиширган ошни айланми ҳам, ўргилди ҳам ичишга мажбурдирлар. Мухлисларнинг нияти эса ҳолис: ўз севимли жамоаларини 2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилайдиган Жаҳон чемпионати қатнашчилари орасида кўриш.

3. РИХСИЕВ.

«В» ГУРУҲИ. БИРИНЧИ ДАВРАДАН КЕЙИН

Table with 7 columns: Жамоалар, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. Rows for Хитой, Ўзбекистон, Қатар, БАА, Уммон.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси ва Бухоро вилоят тармоқ кўмитаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмалари назорат-тафтиш комиссиясининг аъзоси, Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма кўмита бош ҳисобчиси Зухра Тошпулатовага онаси

Шафига ТАТЛИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.50.

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Ўқимчи А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.